
ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Марғилон шаҳар ҳоқими, 1-сектор раҳбари А.Зиявитдинов томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари бўйича навбатдаги фуқаролар қабули ўтказилди.

Мазкур қабулда жами 30 нафар фуқароларнинг мурожаатлари кўриб чиқилди.

Қабул давомида тадбиркорлик, уй-жой, моддий ёрдам, субсидия, кадастр, соғлиқни сақлаш, кредит, уй-жой таъмир, ер масаласида ва бошқа турли масалалар бўйича мурожаатлар рўйхатга олиниб, 5 та мурожаат эгасига ҳуқуқий тушунтириш берилди, 5 та мурожаат жойида ижобий ҳал этилди.

Қолган мурожаатларни ўз муддатларида ижросини таъминлаш бўйича тегишли ташкилот ва муассаса раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди.

2023-06-14 16:49:29